

## VII.КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 34311 тани ташкил қилиб, шундан 30411 таси ёки 88,6% фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 7799 та (22,7%), саноат 6517 (19,0%), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 2726 та (7,9%) ва қурилиш 2567 та (7,5%) соҳаларига тўғри келади.


### **2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича**

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>34311</b>	<b>100</b>	<b>30411</b>	<b>100</b>
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3794	11,1	3408	11,2
саноат	6517	19,0	5802	19,1
<b>курилиш</b>	<b>2567</b>	<b>7,5</b>	<b>2243</b>	<b>7,4</b>
савдо	7799	22,7	6630	22,0
<b>ташиш ва сақлаш</b>	<b>1172</b>	<b>3,4</b>	<b>1046</b>	<b>3,4</b>
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2726	7,9	2306	7,6
<b>ахборот ва алоқа</b>	<b>518</b>	<b>1,5</b>	<b>409</b>	<b>1,3</b>
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	574	1,7	540	1,8
<b>бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш</b>	<b>8644</b>	<b>25,2</b>	<b>7980</b>	<b>26,2</b>

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 89,9% нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 22,7% хусусий корхоналар, 2,8% чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2% акциядорлик жамиятлари ва 74,3% бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

### Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари

*(1 октябрь ҳолатига, умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)*




2018 йил январь-сентябрда жами 5481 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 3879 та). Уларнинг асосий қисми Паркент (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 11,1%), Қибрай (8,1%), Зангигита (8,0%), Тошкент (6,5%), Ўртачирчик (5,7%), Янгийўл (5,0%), Юқоричирчик (4,9%), Бекобод (4,9%), Бўка (4,4%), Қуийичирчик (4,3%) ва Чиноз (4,1%) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 14,8% савдо, 17,5% саноат ва 8,6% қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 1193 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 352 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 29,5%) ихтиёрий тугатилиш тартибини кўллаш орқали тугатилган.

2018 йил 1 октябрь ҳолатига 28,7 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан масъулияти чекланган жамиятлар – 19,2 мингта, хусусий корхона – 7,0 мингта, оиласвий корхона – 1,7 мингта, бошқа тижорат корхоналари – 0,8 мингтани ташкил этади.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг  
ташкилий хуқуқий шакллари  
(1 октябрь ҳолатига)**



2018 йилнинг январь–сентябрда жами 4,2 мингта янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 3,9 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Зангиота тумани (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 9,3%), Қибрай (8,8%), Тошкент (6,4%) ва Ўртачирчик (5,5%) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг 19,3% савдо, 22,8% саноат ва 16,1% қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 905 та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 247 таси (жами фаолияти тугатилганлардан 27,3%) ихтиёрий тутатилиш тартибини қўллаш орқали тутатилган.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар** 2018 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 782 тани ташкил этди.

2018 йил январь–сентябрь ойларида хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 179 тани ташкил этди. Бунда, асосан Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида – 49 та, Туркия Республикаси – 23 та, Россия Федерацияси – 30 та, Қозогистон Республикаси – 27 та, Корея Республикаси – 16 та ва 34 та бошка мамлакатларнинг янги корхоналарига тўғри келади.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши  
(2018 йил 1 октябрь холатига)**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан, %</i>
<b>Жами</b>	<b>782</b>	<b>100</b>
<i>ишу жумладан:</i>		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	68	8,7
Саноат	491	62,8
Қурилиш	20	2,6
Савдо	109	13,9
Ташиб ва сақлаш	17	2,2
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	13	1,7
Ахборот ва алоқа	1	0,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиши	8	1,0
Бошқа фаолият турлари	55	7,0

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитални иштирокида фаолият кўрсатаётган 782 та корхонанинг 491 таси (62,8%) – саноат, 109 та (13,9%) – савдо, 68 таси (8,7%) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 17 (2,2%) – ташиб ва сақлаш, 13 (1,7%) – яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 20 (2,6%) – қурилиш соҳасига тўғри келади.

**2018 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот  
ишлиб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат  
секторларининг нисбати**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

